



Областимиз меҳнаткашлари **300 МИНГ** тонна пахта тайёрлаб, бу улкан хирмонга ўз ҳиссаларини қўшдилар

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР
КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ
ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 202 (1464)

13 октябрь, сешанба, 1959 йил.

Баҳоси 20 тийин.

Совет Иттифоқи Коммунистик Партияси Марказий Комитетининг
Биринчи секретари ва СССР Министрлар Совети Раиси

ўртоқ **Н. С. ХРУШЧЕВГА**

ССР Иттифоқи Олий Совети Президиумининг Раиси

ўртоқ **К. Е. ВОРОШИЛОВГА**

МОСКВА

Хитой Халқ Республикаси ташкил топган куннинг 10 йиллиги муносабати билан юборган самийий табрикларингиз учун Хитой Коммунистик партияси, Хитой Халқ Республикаси ҳукумати ва хитой халқи номидан Сизларга ҳамда Сизлар орқали қардош совет халқига чин қалбдан ташаккур изҳор қиламиз.

Ўртоқ Хрушчев бошлиқ Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг тўғри раҳбарлигида улуғ совет халқи коммунистик қурилиш кенг авж олдиришга киришиб, улуғвор етти йиллик планнинг биринчи йилдаёқ жуда порлоқ муваффақиятларга эришди. Совет Иттифоқининг иқтисодий ва маданий қурилиши тез суруъатли билан ривожланиб кетди. Иккинчи совет космик ракетасининг муваффақиятли равишда Ойга қўйилганлиги, учинчи космик ракетанинг муваффақиятли учурилганлиги ва Ойни айланб ўтаётган планеталарга автоматик станциянинг яратилганлиги ҳамда жаҳонда биринчи атом музёбининг қурилганлиги Совет Иттифоқи бутун тараққиётларвар инсониятнинг шон-шухрати бўлиб қолган ғанин ривожланиш соҳасида энг тараққиёт этган капиталистик мамлакатлардан анча ўзиб кетганлигини аққол исботлади. Совет халқи юксак коммунистик руҳини кўрсатиб, КПСС XXI съезди илгари сурган тарихий вазифаларини муддатидан илгари бажариш йўлида ижодий меҳнат қилмоқда. Совет

халқининг капитализм билан тинч мусобақада энг тараққиёт этган капиталистик мамлакатларга етиб олиш ва улардан ўзиб кетишдек улуғвор вазифаси албатта ва тез бажарилишига биз гоят аминимиз.

Совет Иттифоқи ўтказётган тинчликсевар ташқи сиёсат барча тинчликсевар давлатлар ва халқлар томонидан маъқулланди ва қўллаб-қувватланди ҳамда катта галаба қозонди. Айниқса, ўртоқ Хрушчевнинг қўлида Америка Қўшма Штатларига қилган ва муваффақият билан тугалланган сафари халқларга кескинлигини юмшатиш ва бутун дунёда тинчликни ҳимоя қилиш ишига гоят катта ҳисса бўлиб қўшилди ва халқаро вазиятнинг келгуси ривожланишига ижобий ҳамда чуқур таъсир кўрсатди. «Совет уруши» сиёсатининг ўтказилишига тарафдор бўлган империалистлар қанчалик бефаҳм бўлсалар ҳам, тинчлик ва адолат иши муқаррар галаба қилади. Тарихнинг ривожланишидаги бу муқаррар тенденцияга ҳеч ким халақит беролмайди.

Хитой ва Совет Иттифоқи халқлари ўртасидаги қардошларча дўст-

лик ва ҳар томонлама ҳамкорлик иккала мамлакатимиз халқларининг туб манфаатларини таъминламоқда. Улуғ совет халқи Хитой революциясига ва Хитойда социалистик қурилишга ҳамма чўқур хайрихоҳлик билан қармоқда ва катта мадд бермоқда. Хитой революциясининг галабаси ва социализм қуришдаги муваффақиятлари Совет Иттифоқидagi улуғ халқларнинг қардошларча қўллаб-қувватлаши ва ёрдами билан чамбарчас боғлангандир. Хитой халқи Совет Иттифоқининг қўллаб-қувватлаши ва ёрдами учун ундан чуқур миннатдордир.

Совет Иттифоқи халқларига коммунизм қурилишини кенг авж олдириш ишларида ва бутун дунёда тинчлик йўлидаги курашида янги, янгида порлоқ муваффақиятлар тилаймиз.

Ишасин Хитой ва Совет Иттифоқи халқлари ўртасидаги қардошларча абдий бузилмаз дўстлик!

Яшасин бутун дунёда тинчлик ва инсоният тақдирини яқинлаштириш қудратли ташкили — Совет Иттифоқи бошлиқ социалистик лагернинг буюк бирлиги.

Хитой Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Раиси
МАО ЦЗЭ-ДУН.

Хитой Халқ Республикасининг Раиси
ЛЮ ШАО-ЦИ.

Хитой Халқ Республикаси Халқ Вакиллари Умум Хитой
Мажлиси Доимий комитетининг Раиси
ЧЖУ-ДЭ.

Хитой Халқ Республикаси Давлат Кенгазининг Бош Министри
ЧЖОУ ЭНЬ-ЛАН.

ПЕКИН, 1959 йил 9 октябрь.

Республикамининг кўчма Қизил байроғи яна областимизда қолдирилди

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП Марказий Комитети Ўзбекистон ССР Қишлоқ ҳўжалик министрининг тақдимида мувофиқ пахта териш ва давлатга сотиш юзасидан областлар ўртасидаги социалистик мусобақанинг 1959 йил 1 октябрдан 11 октябрга бўлган якуний доир материалларини кўриб чиқиб қарор қилди:

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи Самарқанд областида қолдирилсин (област партия комитетининг секретари ўртоқ Махмудов, област ижроия комитетининг раиси ўртоқ Азимов, област комсомол комитетининг секретари ўртоқ Аслидинов, област қишлоқ ҳўжалик бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Абдураҳимов, совхозлар трестининг директори ўртоқ Наримов, Самарқанд Халқ ҳўжалик кенгаши енгил саноат бўлимининг бошлиғи ўртоқ Махмудов). Бу област 10 кун ичида давлат йиллик планига нисбатан давлатга 24,78 процент миқдорда пахта топширган ва йиллик планни 77,8 процент бажарган, пахтани машинада териш йиллик планини 45,38 процент ва ўн кун ичида 27,8 процент бажарган.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи Бухоро областида қолдирилсин (област партия комитетининг секретари ўртоқ Ризов, област ижроия комитетининг раиси ўртоқ Номов, област комсомол комитетининг секретари ўртоқ Муминов, об-

ласт қишлоқ ҳўжалик бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Алиев, совхозлар трестининг директори ўртоқ Федоренко, пахта тайёрлаш трестининг директори ўртоқ Абдураҳимов). Бу област 10 кун ичида давлат планига нисбатан давлатга 18,57 процент миқдорда пахта топширган, пахта топшириш йиллик планни 78,5 процент бажарилган, машинада териш пахтани топшириш йиллик планни 59,13 процент ва ўн кун ичида 35,97 процент бажарган.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи Тошкент областида қолдирилсин (област партия комитетининг секретари ўртоқ Гуломов, област ижроия комитетининг раиси ўртоқ Жадилов, област комсомол комитетининг секретари ўртоқ Абдураҳимов, област қишлоқ ҳўжалик бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Солимухамедов, совхозлар трестининг директори ўртоқ Иброҳимов, Тошкент Халқ ҳўжалик кенгаши дуб-пахта саноати бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Нормухамедов). Бу област 10 кунда давлат планига нисбатан давлатга 19,92 процент миқдорда пахта топширган ва йиллик планни 63,86 процент, машинада териш пахтани топшириш йиллик планини 54,83 процент ва 10 кун ичида 26,7 процент бажарган.

Қўйилганларнинг пахта терилиши ва давлатга топшириши ахили уюштирилганлиги қай қилинсин:

а) Наманган области (област партия комитетининг секретари ўртоқ Тоиров, област ижроия комитетининг раиси ўртоқ Муродов, област комсомол комитетининг секретари ўртоқ Назаров, област қишлоқ ҳўжалик бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Тоиров, област ижроия комитетининг директори ўртоқ Адашев, пахта тайёрлаш трестининг директори ўртоқ Нуъмонев). Бу област давлатга пахта сотиш йиллик планини 64,54 процент ва ўн кун ичида 19,6 процент бажарган, машинада териш йиллик планини 56,35 процент ва ўн кун ичида 41,6 процент бажарган.

б) Андижон области (област партия комитетининг секретари ўртоқ Курбанов, област ижроия комитетининг раиси ўртоқ Хайдаров, област комсомол комитетининг секретари ўртоқ Азимов, област қишлоқ ҳўжалик бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Абдураҳимов, пахта тайёрлаш трестининг директори ўртоқ Муродов). Бу област давлатга пахта сотиш йиллик планини 63,28 процент ва ўн кун ичида 18,63 процент бажарилган, машинада териш йиллик планини 47,1 процент ва ўн кун ичида 32,9 процент бажарган.

в) Сурхондарё области (област партия комитетининг секретари ўртоқ Ҳанимов, област ижроия комитетининг раиси ўртоқ Енубонов, област комсомол комитетининг секретари ўртоқ Воҳидова, област қишлоқ ҳўжалик бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Саидхонмуродов, совхозлар трестининг директори ўртоқ Арзуманов, пахта тайёрлаш трестининг бошқарувчиси ўртоқ Муҳитдинов). Бу област давлатга пахта топшириш йиллик планни 70,09 процент ва ўн кун ичида 18,6 процент бажарган. (ДАВОМИ ИККИНЧИ БЕТДА).

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг

Ўзбекистоннинг ишчиларига, колхозчиларига, интеллигентларига
ва барча меҳнаткашларга

МУРОЖААТИ

Қадрли ўртоқлар, азиз дўстлар!

Совет кишилари юракни халқонлантирувчи шод-хушрама кунларини кечирмоқдалар. Бир минг тўққиз юз элли тўққизинчи йил шонли Ватанимиз тарихига, қудратли социалистик лагер тарихига, бутун тараққиётпарвар инсоният тарихига сира ўймайган олтин ҳарфлар билан ёзилади. Бу йил бизнинг хотирамизда етти йилликнинг биринчи йили бўлиб, ҳамма сақлаиб қолади. Етти йиллигимиз — Коммунистик партиянинг XXI съезди чиқиб берган улуғ ишларнинг беқисс буюк планидир. Шу билан бир қаторда, бу йил мамлакатимизнинг янгида юксак камолатга еришимиз, янги чўққиларга даяил парвоз қилиш йилидир; Совет ҳукуматининг бошлиғи Н. С. Хрушчевнинг Америка Қўшма Штатларига тарихий сафар қилган йилидир, яъни халқаро кескинлигини юмшатиш йилида, «совуқ уруш»ни тутатиш йилида, бутун дунёда тинчликни мустақкамлаш йилида қўйилган энг муҳим қадам сифатида барча халқлар томонидан адолатли равишда юқори баҳо олган тинчлик ва дўстлик сафари йилидир. Ана шу йилда янги замон кишиси — социализм ва коммунизм дариининг ижодкори фазони мардона забт эта боладикки, шунинг учун ҳам миннатдор аъдолларимиз бу йилги фазони забт этиш йили деб атайдилар. Муваффақиятли учурилган совет космик ракетаси Ойга бориб етди; дунёда биринчи атом музёбини улуғ Ленин номи билан аталиб, денгизга чиқди; совет мамлакатидан фазога ана бир янги космик ракета парвоз қилди — ана шу зафарлар ва шу каби жуда кўп муваффақиятларимиз социализмнинг ҳамма галиб куч-қудратидан; марксизм-ленинизм гояларини завқ-шаъқ билан амалга оширатган ижодкор халқимизнинг улуғ яратувчилиги кучидан ёрқин далабат беради!

Партиямиз Марказий Комитетининг Улуғ Октябрнинг 42 йиллиги муносабати билан чиқарган оташин Қадириқлардан илҳомланган совет халқи шонли байрами ва КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленумини муносиб нишонлашга интилиб, етти йилликнинг биринчи йил программасини муваффақиятли бажариш учун фидокорлик билан меҳнат қилмоқда.

Бизнинг дўстона ва улуғ совет оиламида коммунизм қуришдан иборат умум ишмига ҳар бир халқ ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Ўзбек халқи ана шу буюк ишга қўшаётган ҳиссаси билан ҳақли равишда фахрлана олади.

Республика саноати КПСС Марказий Комитети июнь Пленумининг қарорини амалга ошириш соҳасида жонбозлик кўрсатиб, тўққиз ойлик плани муддатидан илгари адо этди ва планда ташқари 700 миллион сумликдан ортиқроқ маҳсулот берди.

Ўзбекистон қишлоқ ҳўжалиги меҳнаткашлари давлатга (дон фидойидан ташқари), гўшт, сут, туҳмун, жуи, қоракўл тери, пилла ва қаноп сотиш йиллик планларини муддатидан илгари бажардилар. Республикамининг колхоз ва совхозлари чорва моллари туғганин кўпайтирдилар ва эндиликда чорванинг иссиқ ва тўқ қишловини таъминлаш учун курашмоқдалар: ҳозирдаёқ 2 миллион 300 минг тоннадан кўпроқ сиёсат ёстиришдики, бу ўтган йилдагига қараганда 900 минг тонна ортиқдир. Силосини 3 миллион тоннадан ошириб тайёрлаб қўйиш шу куннинг вазифасидир.

Республикада пахта учун кураш тобора қизиган тус олмоқда. 13 октябрга қадар давлатга 2.000.000 тонна пахта сотилди. Республикамининг ҳар бир меҳнаткаши бу муваффақият билан ҳақли равишда фахрланади. Ана шу миқдор пахтанинг 150 минг тоннага яқини машина билан терилгани ҳаммаимизни ҳам чексиз қувонтиради. Бу шунинг кўрсатадиги, пахтачиларнинг энг кўп меҳнат талаб қилганлигини шунинг машиналаштиришга асос қўйилган. Партиямиз ленинчи Марказий Комитетининг, Совет ҳукуматининг, ўзбек халқининг улуғ дўсти Янгига Сергеевич Хрушчевнинг бу соҳада бизга кўрсатаётган меҳрибонлиги ажойиб натижа берди.

Бизнинг қўлга киритган муваффақиятларимиз — КПСС Марказий Комитети ва ҳукуматимизнинг республикамиз раънақи ҳақида қилаётган доимий ғамхўрлигининг натижасидир, буюк рус халқи томонидан, Ватанимиздаги барча халқлар томонидан бизга берилаётган катта ёрдам самарасидир. Кўп миллатли социалистик давлатимиз куч-қудратининг ҳаёбахш ишлари — партияимизнинг ленинчи миллий сиёсати ва СССР халқларининг буюк дўстлиги ана шу ғамхўрликда, ана шу ёрдамда ўзининг аққол фидойисини топи. Шу ғамхўрлик ва шу ёрдам учун халқимизнинг ташаккури ва миннатдорлиги гоят чексиздир.

Қадрли ўртоқлар!

Бизнинг халқимиз ўтган тўққиз ойдан кўпроқ вақт ичида яхши ишлади. Фидокорона меҳнат ажойиб самаралар берди. Етти йилликда қўшаётган ҳиссаси ойдан-ойга ортиб бораётган илгор саноат қорхоналари, транспорт ва қурилишларнинг коллективларига шон-шарафлар бўлсин! Давлатга пахта сотиш йиллик муддатидан илгари бажарган илгор районлар, колхозлар, совхозлар, бригадаларга, пахта даладарининг шонли қаҳармонларига умумхалқ хурмати чексиздир! Валентина Гаганованинг шонли сафдоши, Гулистон районидagi Ленин номи колхоз трактор-далачилик бригадасининг бошлиғи Ганнишер Юнусов ва Қоракўл районидagi Октябр колхоз трактор-далачилик бригадасининг бошлиғи Шарофат Баракаева ўз планлари ва мажбуриятларини республикада биринчи бўлиб бажардиларки, бизнинг халқимиз ана шу ажойиб пахтакорлар билан фахрланади.

Ўрта Осиё қишлоқ ҳўжалик машина синаш станциясидан Валентин Туюқов, Чиноз районидagi Киров номи колхоздан Турсун Охунова, Фарғона области «Октябрь 40 йиллиги» совхозидан К. Кенжаев, Поп районидagi Ленин номи колхоздан М. Умурзоқов, Сирдарё районидagi «Малик» совхозидан Ж. Кўчиев ва Жиззах районидagi Будённый номи колхоздан У. Иброҳимов пахта териш машиналарини аъло даражада ағлаб олган меҳаник-ҳайдовчилардир. Буларнинг номиларини пахтачилликда янгиликка, илгорликка йўл очётган ҳамма меҳнаткорларнинг номиларини, ўзбек халқи катта ҳурмат билан тилга олади. Сталин районидagi Киров номи колхоз теримчиси Қумрихон Рустамова, Ўрта Чирчиқ районидagi Қўйбўшев номи колхоз теримчиси Назира Ўлдошева, Тўртқўл районидagi «Қизил Ўзбекистон» колхоз теримчиси М. Жуманазаров, Термиз районидagi Жиданов номи колхоз теримчиси Рўзиход Юсупова, Янги Арқ районидagi Ленин номи колхоз теримчиси Р. Мадаминаева ўртоқлар кўп териш, тез ва ҳола териш умумналарини кўрсатмоқдалар. Ана шу теримчилар кўлаб тонна пахта терган кўминчиларнинг ҳаммалари умумхалқнинг хурматиға сазовордирлар. Пахта териш айна қилган кунларда шаҳарлардан колхоз ва совхозларга жуда кўп шаҳарликлар, студентлар ёрдамга қелдиларки, қишлоқ ҳўжалик меҳнаткашларининг ана шу азиз дўстларга ташаккури чексиздир.

Биз қўлга киритилган муваффақиятлардан ҳақли қувонш билан бирга хотиржамлик ва бегамлик хайфиятларига сира ҳам йўл қўймаймиз. 1959 йил ҳаммаимиз учун ҳам алоҳида йилдир. КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленумида ўзбек халқи КПСС XXI съездининг қишлоқ ҳўжалик масалалари юзасидан қабул қилган қарорларининг қан-

дай бажарилаётгани ҳақида партия олдида, бутун мамлакат олдида ҳисоб беради.

Пленум олдида ҳисоб бериш — биз учун катта шарафдир. Бу ҳисобот айна вақтда ҳаммаимизнинг зиммамизга жуда катта масъулият юқайди.

КПСС Марказий Комитети Пленумининг минбари — юксак минбардир. Барча совет кишиларининг, бутун социалистик лагер меҳнаткашларининг, бутун дунёнинг назар-эътибори ана шу шарафли минбарга қаратилгандир. Давлат планларини ва олган социалистик мажбуриятларимизни бажарганлигимиз ҳақида ана шу минбардан туриб рапорт бериш — бизнинг бурчимиздир, шарафли вазифамиздир.

Ана шу шарафга муяссар бўлоқ учун ҳали жуда кўп ва астойдил меҳнат қилишимиз зарур.

Биз давлатга ана 1 миллион 50 минг тонна пахта беришимиз керак. Бу ҳаилакам иш эмас, ўртоқлар! Шунинг унутмаслик керакки, кун ўтган сайин пахта териш ва тайёрлаш ҳам оғирлашиб боради. Шу сабабдан ҳам хотиржамликка асло йўл қўймайлигимиз керак.

Биз ўз мажбуриятимизни шараф билан бажариш учун зарур бўлган шарт-шароитнинг ҳаммасига эгамиз. Даладарда пахта ошиб-тошиб ётибди. Ишчи кучларимиз ҳам кўп, моддий техника ресурсларимиз ҳам сероб. Демак ҳамма гап — имкониятларнинг жамини, бор резервларини ишга сола билишда.

Ватанимиз 3 миллион 50 минг тонна Ўзбекистон пахтасини олмоғи учун қандай амалий чораларни кўриш керак?

— Қишлоқлардаги ишга яроқли аҳолининг ҳаммаси пахта теримига чиқиши шарт; пахта теришга қўриб етган ҳар бир киши шу кеча-кундузда далада бўлмоғи зарур;

— пахта териш нормаси ҳар кун тўла ва ошириб бажарилиши лозим;

— бу йилги шарт-шароитлар пахтанинг бор ҳосилини биринчи сорт билан йиғиб, давлатга сотиш имконини беришини асда тутган ҳолда, пахта териш сифатини назорат қилишни кўчайтириш керак;

— пахта териш машиналарининг ҳаммаси ишга туширилсин; бу машиналар билан факат қуқдузлари эмас, балки кечқурунлари ҳам машина чирогларининг ёруғи билан пахта терилсин; машиналарнинг иш умуми оширилсин;

— пахта териш ва ташинида ноҳўдгарчиликка қарши қаттиқ курашилсин, халқнинг «тома-тома қўл бўлур» деган мақоли сира ҳам унутилмаслиғи керак;

— далада ишловчилар учун зарур маданий-маиший шароитларнинг ҳаммаси яратиб берилинсин;

— Ойи-ҳавонинг пастлашиб кетиши бизни ғайратда қолдирмаслиғи учун сувиқлар ва уларнинг ўтин-қўмири тахт қилиб қўйилсин.

Биз пахта териш ва тайёрлаш суруъатларини ошириш билан бир вақтда ҳозирингиз ўндаёқ келгуси йил ҳосили ҳақида қайғиришимиз зарур. Пахтаси териб олинган ерларнинг ҳаммасида даладар дарҳол тозаласин ва шўғорласин. «Ёр ҳайдасанг куз ҳайда — куз ҳайдамасанг юз ҳайда», деган халқнинг доно ғанини унутмаслик керак!

Азиз дўстлар!

Пахта даладариди қилаётган меҳнатимизнинг галабаси яқинлашиб қолди. Яна бир марта эър берак — партияга, Ватанга, совет халқига: мажбуриятини бажариш, давлатга 3 миллион 50 минг тонна пахта сотдик, деб айта оламиз!

Ана шу кунларда ҳар бир колхозчи, ҳар бир совхоз ишчиси, қишлоқ ҳўжалигининг ҳар бир мутахассиси, пахта тараётган ҳар бир шаҳарли меҳнаткаш ва студент пахта учун курашдаги бир ғайратларига иккинчи ғайрат қўшиб ишласинлар, қуқдуз куннинг ёруғидан тўла фойдалансинлар! Ана шу умумхалқ ишига ҳар бир киши ўз ҳиссасини қўйсин!

Бу йил ҳар бир бригада, ҳар бир колхоз, совхоз, район, област ўз мажбуриятини бажара олади ва бажариши лозим.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети барча колхозчиларини, совхоз ишчиларини, қишлоқ ҳўжалик мутахассисларини, пахта тараётган шаҳар меҳнаткашларини, студентларини ғайрат ва шижоат билан, жасорат ва матонат билан ишлашга, пахта тайёрлаш планини Улуғ Октябрнинг 42 йиллигига, мажбуриятини — КПСС Марказий Комитети Пленумининг очилиш кунига бажаришга тақабдилар.

Биз чорвачилик ходимларини чорва маҳсулдорлигини ошириш учун, чорвага иссиқ ва тўқ қишлоқ ҳозирлаш учун барча чораларни кўришга тақабдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети барча ишчиларини, инженер-техник ходимларини ҳар бир бригадала, ҳар бир цех ва участкада, ҳар бир саноат қорхонасида, транспортда, қурилишда давлат планларини муддатидан илгари бажаришга, янги техникани жорий этишга, маҳсулот хили, сифати бўйича таннарихни камайтириш ва меҳнат умумдорлигини ошириш бўйича берилган топшириқларни адо этишга тақабдилар. Белажақнинг шонли раъздалчилари бўлган коммунистик меҳнат бригадалари ва зарбдорларининг шонли ҳаракати кун сайин кенгайсин!

Қадрли ўртоқлар, азиз дўстлар!

Биз бу йилги яхши бошладик, уни яхши якунлай оламиз ва қўйилгандаёқ якунлашимиз зарур.

Етти йилликнинг биринчи йил топшириқларини муваффақиятли бажариш — Совет Иттифоқидagi барча қардош халқлар олдидаги, қудратли социализм мамлакатлари лагери олдидаги бизнинг ватанпарварлик ва интэрнационал буртимиздир.

Улуғ Октябрнинг 42 йиллигини ва КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленумини муносиб кутуб олиш учун бошланган умумхалқ социалистик мусобақаси тобора кенгайсин ва авж олсин!

Етти йиллик қаҳармонларининг меҳнат зафарлари ағрлар давомида алайди. Бизнинг саноат қорхоналарида, қурилишларда, пахта даладариди қилаётган меҳнатимиз коммунизмнинг нури чўққилари сари зафарли қадам ташлаб бораётган азамат совет халқининг умумий меҳнатига қўшиллади. Ёр юзидagi энг адолатли жамият бўлган коммунистик жамият қуришдан иборат улуғ мақсадга хизмат қилиш бахтидан ҳам шарафдорроқ бахт борми!

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети астойдил ишонч билдириб айтдиларки, жоноҳон Коммунистик партиямиз ва унинг ленинчи Марказий Комитети атрофига маҳкам уюшган, буюк коммунизм қурилиши ишга чексиз содиқ бўлган Ўзбекистон меҳнаткашлари КПССнинг тарихий XXI съезди чиқиб берган буюк ишлар планини муваффақиятли амалга ошириш учун куч-қувватларини аямайдилар!

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ
МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР
ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР
МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

Терим машиналаридан тўла ва унумли фойдаланиб, пахта тайёрлаш суръатини кескин кучайтирайлик!

Республикамизнинг кўча Қизил байроғи яна областимизда қолдирилди

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА)

г) Фарғона области (область партия комитетининг секретари ўртоқ Камбаров, область ижроия комитетининг раиси ўртоқ Камолов, область комсомол комитетининг секретари ўртоқ Тиллақўнаев, область кишлоқ хўжалик бопқармасининг бошлиғи ўртоқ Остапенко, совхозлар трестининг директори ўртоқ Азимов, пахта тайёрлаш трестининг директори ўртоқ Мирзахмедов). Бу область давлат пахта сотиш йиллик планининг 63,83 процент ва ўн кун ичида 18,45 процент бажарган.

д) Намангандар области (область партия комитетининг секретари ўртоқ Гуломов, область ижроия комитетининг раиси ўртоқ Рахматуллаев, область комсомол комитетининг секретари ўртоқ Ханбердиев, область кишлоқ хўжалик бопқармасининг бошлиғи ўртоқ Грибов, совхозлар трестининг директори ўртоқ Холиқулов). Бу область йиллик планини 85,5 процент ва машинада пахта териш йиллик планини 79,2 процент бажарган.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министр-

Мусобақа илғорларига кўча Қизил байроқ берилди

Ўзбекистон КП Тошкент области комитети ва область ижроия комитети бу йилги ҳосилини йилги-териб оlishда районлар, совхозлар ва олий ўқув юрталари ўртасида бошланган социалистик мусобақанинг 1 октябрдан 10 октябргача бўлган якуний кўриб чиқилди.

Область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўча Қизил байроғи Гулистон районидан (район партия комитетининг секретари ўртоқ Н. Укубова, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Т. Умаров, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Р. Хўназаров, кишлоқ хўжалик бўйича район инспекциясининг бошлиғи ўртоқ Сутушев) қолдирилди. Бу район ўн кун ичида давлатга 21,81 процент пахта сотган, пахта тайёрлаш планини 70,57 процент бажарган ва мавсум бошидан бери машинада 3430 тонна пахта терган ёки машинада пахта териш планини 53,59 процент бажарган.

Область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўча Қизил байроғи Сирдарё районидан «Малик» совхозидан (директори ўртоқ С. А. Бочкарев, партия ташкилотининг секретари ўртоқ А. Меербеков, ишчилар комитетининг раиси ўртоқ А. Р. Волина) қолдирилди. Бу совхоз бўйича ўтган ўн кун ичида 32,59 процент пахта тайёрланиб, йиллик планни 76,96 процент ва машинада пахта териш планни 70,66 процент бажарилган.

Пахтани йилги-териш ва уни давлатга сотиш ҳамда машинада пахта теришни намунави ташкил этилиши учун Сирдарё районининг (район партия комитетининг секретари ўртоқ И. Каримов, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ А. Ахмедов, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ А. Ғаниев, кишлоқ хўжалик бўйича район инспекциясининг бошлиғи ўртоқ М. Мирсатоев) яхши иш қилгани. Район бўйича ўн кун ичида 21,01 процент пахта тайёрланиб, йиллик планини 66,66 процент бажарган, машинада мавсум бошидан бери 5121 тонна пахта терган ёки машинада пахта териш планни 55,06 процент бажарилган.

Область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўча Қизил байроғи Бўча районидан «Бўча» совхозидан (директори ўртоқ М. Ботиров, партия ташкилотининг секретари ўртоқ М. Акматов, ишчилар комитетининг раиси ўртоқ Н. Бекбергенов) қолдирилди. Бу совхоз ўтган ўн кун ичида 33,21 процент пахта тайёрлаб, планни 106,75 процент бажарган, мавсум бошидан бери

лар Совети ва Ўзбекистон КП Марказий Комитети областнинг колхоз ва совхозлари давлат пахта сотиш йиллик планини 1959 йил 20 октябргача сўғина бажардилар, деб ишонч билдирилди.

Ўзбекистон ССР Миллий министрига пахта теримда намуна кўрсатган колхозчиларни, совхоз, РТСларнинг ишчиларини, пахта терим машиналарининг механик-ҳайдовчиларини ва тайёрлаш ташкилотларининг ходимларини мукофотламоқ учун Самарқанд, Бухоро ва Тошкент области ижроия комитетлари ихтиёрига 25 минг сўмдан, Наманган, Андижон, Сурхондарё, Фарғона ва Қашқадарё области ижроия комитетларининг ихтиёрига 10 минг сўмдан пул юбориш вазифаси тошдирилди (бу пул пахта тайёрлаш планга бажаришга муносибати билан олдинта маъраж ҳисобидан берилди).

Ўзбекистон ССР Кишлоқ хўжалик министрига пахта териш ва давлатга сотишда олдинта бораётган колхоз ва совхозларга сотиш учун Самарқанд, Бухоро ва Тошкент области ижроия комитетлари ихтиёрига 20 тадан юк машинаси ва 2 тадан энгил автомашина юбориш мажбурияти юзлатилди.

ри машинада 755 тонна пахта терган ёки машинада пахта териш планни 125,8 процент бажарилган. Биринчи кўча Қизил байроқ 1959 йилнинг охиригача «Бўча» совхозидан сақланилган бўлди.

Область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўча Қизил байроғи Оқўрғон районидан (район партия комитетининг секретари ўртоқ С. Нишонбоев, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ М. Камолов, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Т. Тоғоев, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Р. Хўназаров, кишлоқ хўжалик бўйича район инспекциясининг бошлиғи ўртоқ Валиев) берилди. Бу район бўйича ўтган ўн кун ичида 20,05 процент пахта тайёрланиб, план 62,18 процент бажарилган, мавсум бошидан бери машинада 3336 тонна пахта терилган ёки 52,95 процент бажарилган.

Машинада пахта теришдаги яхши иш учун Чиноз районининг (район партия комитетининг секретари ўртоқ А. Ахмедов, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Н. Қирғизбаев, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Н. Қосимов, кишлоқ хўжалик бўйича район инспекциясининг бошлиғи ўртоқ Жениевский) яхши ишлаганини ташкил қилди. Бу район бўйича мавсум бошидан бери 2331 тонна пахта терилган ёки машинада пахта териш планни 75,19 процент бажарилган.

Область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўча Қизил байроғи Тошкент медицина институтига (директори ўртоқ А. Гуломов, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Р. А. Напиев, комсомол ташкилотининг секретари ўртоқ Д. Ҳамидов) берилди. Бу институт бўйича пахта йилги-теримда студентлардан 92 процент жалб этилиб, 4676 тонна пахта терилган ва мавсум бошидан бери ҳар бир студент ўрта ҳисоб билан 1910 килограммдан пахта терган.

Область партия комитетининг ва область ижроия комитетининг кўча Қизил байроғи Тошкент учёт-бухгалтерия техникумида (директори ўртоқ Г. Ш. Шамшиев, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Н. Б. Каримов, комсомол ташкилотининг секретари ўртоқ Р. Темиргалиев) қолдирилди. Бу техникум бўйича ўтган ўн кун ичида яхши кўрсаткичларга эришилган, мавсум бошидан бери 526,6 тонна пахта терилган, бир кунда ҳар бир теримчи ўқувчи ўрта ҳисоб билан 90 килограммдан пахта терган. Тошкент Фармацевтика институтининг яхши ишлаганини ташкил қилди.

Йилги-теримда намуна кўрсатиб кўрсатган теримчиларни, механик-ҳайдовчиларни мукофотлаш учун Гулистон ва Оқўрғон районларига 10 минг сўмдан, Қуйи Чирчиқ районига 5 минг сўм, «Малик» совхозига 3 минг сўм, Сирдарё ва Чиноз районларига 2 минг сўмдан пул ажратилди. Илгори колхоз ва совхозларга сотиш учун Гулистон ва Оқўрғон районларига 5 тадан автомашина ажратилди.

Пахта теримда намуна кўрсатиб кўрсатган студентларни мукофотлаш учун Тошкент медицина институтига 2 минг сўм, Тошкент учёт-бухгалтерия техникуми ва Тошкент Фармацевтика институтига 1 минг сўмдан пул берилди.

Навоштаги кўча Қизил байроғи шу йилнинг 16 октябрийдан бошлаб социалистик мусобақанинг ҳар беш кунлиги ақимида қараб берилди.

Область колхозларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1959 йил 11 октябргача бўлган

М А Ъ Л У М О Т

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Колхозларнинг номи	Мавсум бошидан бери	Колхоз раиси	Партия ташкилотининг секретари	Қайси райондан	Колхозларнинг номи	Мавсум бошидан бери	Колхоз раиси	Партия ташкилотининг секретари	Қайси райондан
1. «Қизил шарк»	135,71	Н. Ойқужаев	З. Раҳматова	Қуйи Чирчиқ	73. «Октябрь»	62,88	П. Сулаймонов	Ж. Шамсиев	Сирдарё
2. «Политотдел»	126,10	Хван М.	Ким С. Ф.	Юқори Чирчиқ	74. «Озод»	62,20	Ю. Азимов	И. Солиқов	Оққўрғон
3. «Сталин номи»	113,57	Д. Сафаров	Т. Болтабоев	Қуйи Чирчиқ	75. Ленин номи	62,14	И. А. Бездетний	И. Ашеров	Сирдарё
4. Оққўрғон номи	107,28	М. Рўзиматов	К. Ерденев	Урта Чирчиқ	76. Ленин номи	61,86	О. Қўчоров	Ж. Тўйчиев	Янгийул
5. Свердлов номи	104,10	Ким Д. А.	Эм. Т. В.	Юқори Чирчиқ	77. Тельман номи	61,25	С. Бўриев	У. Хайдаров	Оққўрғон
6. Тельман номи	103,08	Х. Эгамқулов	М. Рўстамов	Пискент	78. «Коммунизм»	61,22	Э. Мансуров	Э. Эшмуқулов	Сирдарё
7. Илчи номи	103,08	У. Жарқинбоев	Б. Ражабов	Бўша	79. «Ленинград»	60,62	М. Қўлмиразаев	Ш. Нидо	Бўша
8. «Коммунизм»	101,10	Т. Латипов	А. Курбанов	Бойбут	80. Ленин номи	60,55	Р. Эгамбердиев	А. Топилов	Оққўрғон
9. Жданов номи	92,54	А. Дўсбеков	Т. Ражабов	Пискент	81. «XIX партсъезд»	60,48	Ю. Файзиев	К. Олимов	Янгийул
10. Сталин номи	91,70	М. Литвинов	Р. Ҳозиев	Пискент	82. «Красный Октябрь»	60,01	Я. Н. Писков	У. Жаборов	Сирдарё
11. Калинин номи	90,90	А. Турсунов	А. Марасулов	Пискент	83. «III интернационал»	59,75	Н. Нишонбоев	Қ. Ҳўраев	Юқори Чирчиқ
12. Хрущёв номи	90,8	Х. Абдиқулов	Н. Қосимов	Пискент	84. «Сталинград»	59,64	Х. Мақсулов	М. Ахмедов	Оржоникидзе
13. «Победа»	90,30	Р. Абдурахимов	А. Хожинираев	Бекобод	85. Куйбишев номи	59,38	С. Раҳматов	Д. Сайдаев	Оққўрғон
14. Ленин номи	84,19	С. Назаров	Р. Орифжонов	Гулистон	86. Крупская номи	59,30	Х. Турсунқулов	С. Шомуротов	Гулистон
15. «XXI партсъезд»	82,92	Ким Г. Х.	Ан П. В.	Гулистон	87. «Кизил Ўзбекистон»	59,16	А. Мақбулов	С. Эргашев	Оржоникидзе
16. Красин номи	82,70	Б. Жўмабоев	Д. Дўсенов	Қуйи Чирчиқ	88. «XXI партсъезд»	59,12	Ю. Мирзахмедов	Х. Ҳўраев	Чиноз
17. «Москва»	81,39	М. Мирзаев	Р. Алимов	Гулистон	89. Жамбул номи	58,86	М. Тоқиев	С. Айдаров	Юқори Чирчиқ
18. «Коммунизм»	80,47	З. Жалолов	Т. Мирзаев	Урта Чирчиқ	90. «Октябрь 40	58,82	Ногай А. Н.	Э. Ҳўров	Оққўрғон
19. «Правда»	80,00	Цой И. А.	Коган Д. Ф.	Юқори Чирчиқ	91. Энгельс номи	58,31	Э. Шамсиев	И. Бўранбоев	Чиноз
20. Мичурин номи	79,93	Т. Каримов	П. Жаборов	Бўша	92. Киров номи	57,92	Н. Ҳўсов	Г. Абдуазимов	Оржоникидзе
21. К. Маркс номи	79,50	Ю. Хўжабеков	С. Усмонов	Бойбут	93. Дзержинский номи	57,89	А. Шукруллаев	М. Бегматов	Бекобод
22. Ленин номи	79,07	З. Шокиров	С. Омонов	Бойбут	94. «Ленин йўли»	57,86	М. Иброҳимов	Т. Шодибеков	Бўша
23. «Харикат»	78,92	Н. Илдошова	М. Ҳакимов	Сирдарё	95. Ворошилов номи	57,63	Ғ. Отабеков	А. Турапов	Оққўрғон
24. «Красный Восток»	78,29	А. Носиров	Хейга Ч. Ю.	Гулистон	96. Ворошилов номи	57,05	Н. Толипов	А. Абдумунинов	Пискент
25. К. Маркс номи	77,21	У. Пардаев	К. Шамшиев	Гулистон	97. «Гулистон»	56,68	Ғ. Шукуров	Р. Норқўзиев	Бекобод
26. «Гулистон»	77,0	Цой Е. Ф.	Ким Ч. С.	Урта Чирчиқ	98. «Октябрь 40	56,50	Қ. Каримов	П. ф. Саулякин	Чиноз
27. Дмитрий номи	76,50	Шин Д. Д.	Ли Ч. С.	Сирдарё	99. «УзССР 30	56,48	И. Ахмедов	А. Мирзахмедов	Чиноз
28. «Северный маяк»	75,90	Шин С. Г.	Цой П.	Пискент	100. «Коммуна»	56,34	У. Солиқов	М. Қўрбанов	Гулистон
29. Сталин номи	75,52	К. Синдоров	Б. Яхъев	Урта Чирчиқ	101. Т. Шевченко номи	56,10	Ж. Маманов	Н. Алиев	Сирдарё
30. «Полярная звезда»	75,32	Ким П. Х.	Ан И. Ч.	Урта Чирчиқ	102. «Коммунизм»	56,07	М. Исмаилов	И. Усмонов	Янгийул
31. Энгельс номи	74,93	А. Холмжитов	А. Нишоев	Пискент	103. Калинин номи	55,56	Н. Қоржоулов	С. Тажбеков	Оққўрғон
32. «Ленинский путь»	73,97	Ним А. В.	Н. В. В.	Гулистон	104. Сталин номи	55,44	Х. Очлов	Т. Қудратова	Чиноз
33. Оржоникидзе номи	73,87	У. Хўжаев	Г. Отауллаев	Урта Чирчиқ	105. «XX партсъезд»	55,39	М. Хайитбаев	Х. Абдукаримов	Бўша
34. «Гулистон»	72,89	И. Хайдаров	А. Эргашев	Пискент	106. Ленин номи	55,39	Б. Умаров	Ж. Султонов	Бўша
35. «I Май»	72,80	В. Маманов	С. Нигматуллин	Сирдарё	107. Навоий номи	54,70	И. Норбоев	Т. Норбоев	Чиноз
36. Киров номи	72,61	Р. Далибоев	С. Юсупов	Оққўрғон	108. «Ленинград»	53,97	Р. Дадажонов	Т. Шарипов	Бўша
37. К. Маркс номи	72,26	Д. Сафаров	Р. Қўлқулов	Янгийул	109. «Ленинград»	53,55	И. Юсупов	М. Илдошова	Юқори Чирчиқ
38. Киров номи	72,02	Ш. Холмиков	Қ. Ҳўсбеков	Гулистон	110. Оққўрғон номи	53,43	А. Субаев	Т. Чиннибеков	Оққўрғон
39. «Оқ олтин»	71,35	И. Тешабоев	В. Низомов	Гулистон	111. «Ленин йўли»	53,06	Э. Усмонов	И. Қўрбанов	Урта Чирчиқ
40. «Ленинград»	71,06	А. Убайдулла	И. Бойназаров	Сирдарё	112. «Кизил Октябрь»	52,94	Ж. Рўстамов	Н. Исmoilов	Чиноз
41. Оққўрғон номи	70,99	Д. Очлов	А. Мустафоқулов	Чиноз	113. К. Маркс номи	51,98	А. Султонов	Т. Азимов	Янгийул
42. Свердлов номи	69,81	Х. Шукуров	З. Сайдилов	Бўша	114. К. Маркс номи	51,90	К. Султонов	Ш. Жуманов	Сирдарё
43. Жамбул номи	69,68	К. Синдоров	А. Тожибоев	Сирдарё	115. Виллемс номи	51,60	Ғ. Азаматов	Д. Зўфаров	Бўша
44. «Ленинград»	69,56	А. Д. Брухтин	С. Файзиев	Гулистон	116. Свердлов номи	50,61	У. Мусаев	Р. Усмонов	Янгийул
45. «Октябрь»	69,50	М. Юсупов	Н. Эгамбердиев	Оққўрғон	117. Энгельс номи	50,6	А. Қўсаев	У. Салиқов	Урта Чирчиқ
46. «Ленинград»	69,19	Х. Жўмабоев	А. Эрнеев	Сирдарё	118. Сталин номи	49,90	А. Ҳасанов	Ю. Далибеков	Урта Чирчиқ
47. «Правда»	68,77	А. Турдиев	Т. Б. С.	Сирдарё	119. Сталин номи	49,83	Т. Мирзаев	Ш. Шатаев	Оққўрғон
48. «Красная армия»	68,73	К. Абдуллаев	Цой М.	Урта Чирчиқ	120. «XIX партсъезд»	49,54	А. Душаев	М. Салимбеков	Бўша
49. К. Маркс номи	68,60	В. Гаспариян	И. Водаренко	Сирдарё	121. «XX партсъезд»	49,16	И. Ойлов	А. Исақов	Урта Чирчиқ
50. Илчи номи	68,50	Т. Ғудомов	Т. Маматов	Сирдарё	122. «Коммунизм»	48,64	М. Усмонов	Ж. Эргашев	Гулистон
51. Куйбишев номи	68,42	К. Жўраев	К. Иноғомонов	Бўша	123. Тимирязев номи	48,56	Х. Қўрбанов	Н. Усмонов	Бўша
52. Хрущёв номи	68,33	А. Ортиков	Ф. Мадалиев	Янгийул	124. «Ленинград»	48,52	А. Тошқорбаев	А. Ҳўсиянов	Оржоникидзе
53. Сталин номи	68,26	У. Д. Кан	А. Рихиев	Урта Чирчиқ	125. «Победа»	48,50	И. Саидов	Т. Қўназлов	Сирдарё
54. Жданов номи	68,20	Ем Е. М.	Т. Ахтаев	Чиноз	126. Навоий номи	48,46	А. Омонов	К. Парпиев	Оққўрғон
55. Калинин номи	68,11	А. Ашуров	А. Жадов	Чиноз	127. Куйбишев номи	48,30	Р. Пуллошаев	Б. Оқбердиев	Урта Чирчиқ
56. «Коммунизм»	68,11	М. Алимухаммадов	К. Қўранов	Сирдарё	128. Фрунзе номи	48,20	Қ. Саидбеков	С. Тулаганов	Янгийул
57. «Ўзбекистон»	67,80	И. Тоғоев	З. Ботирбеков	Гулистон	129. «Коммунизм»	47,56	Б. Умаров	Ч. Бозоров	Бўша
58. Фрунзе номи	67,76	Ш. Раҳимов	Б. Мирзаев	Сирдарё	130. Свердлов номи	47,37	М. Мухаммад-А.	Саломов	Урта Чирчиқ
59. М. Горький номи	67,41	И. Талаббаев	А. Сариев	Юқори Чирчиқ	131. Сталин номи	46,12	Р. Мухамедов	Қ. Султонов	Гулистон
60. Сталин номи	67,40	Ю. Холматов	Т. Насилов	Бўша	132. «XXI партсъезд»	46,07	О. Норматов	Р. Умурзоқов	Янгийул
61. Оққўрғон номи	67,28	Т. Эрназаров	Х. Давиров	Чиноз	133. К. Маркс номи	41,44	А. Чўлбоев	М. Абдиев	Бўша
62. Ленин номи	66,27	И. Алиев	С. Иброҳимов	Гулистон	134. «Мехнат бирлиги»	41,36	И. Иброҳимов	Ж. Файзуллаев	Юқори Чирчиқ
63. Мичурин номи	66,03	М. Солиқов	А. Рўстамов	Сирдарё	135. «Победа»	39,95	Т. Қосимов	Х. Булоқбоев	Чиноз
64. Свердлов номи	65,95	М. Мусуринов	М. Умаров	Бўша	136. «Октябрь 40	38,80	Х. Хайдаров	Х. Сотқулов	Бўша
65. Сталин номи	65,26	В. Демуртов	Э. Фармонов	Бекобод	137. «Шарк юлдузи»	37,50	Х. Турсунқулов	Б. Султонов	Урта Чирчиқ
66. Ленин номи	65,22	Р. Эгамбердиев	У. Исломов	Оржоникидзе	138. М. Горький номи	35,09	С. Каримжонов	Б. Қўйбоқов	Урта Чирчиқ
67. Ленин номи	64,84	Пак Г. А.	Да Ч. Г.	Урта Чирчиқ	139. Жданов номи	20,87	Т. Сафаров	С. Турсунов	Юқори Чирчиқ
68. Ленин номи	64,64	У. Пуллошев	Т. Шоҳидов	Пискент					
69. Шверник номи	64,50	О. Отабеков	Х. Турдалиев	Бекобод					
70. Навоий номи	63,99	Ф. Мухомидов	Д. Тошматов	Оржоникидзе					
71. Хрущёв номи	63,73	Т. Пуллошев	Б. Саматов	Гулистон					
72. «Ленинград»	63,64								

Нашр. Б-1869.